

---

## **НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ ВА ПЕНСИЯСИННИГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ**

**“Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ  
қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент  
Фармони қабул қилинди**

**???? Фармонга кўра, 2022 йил 1 апрелдан:**

**□ меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи  
тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни  
ҳисобга олган ҳолда - 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилади;**

**□ ўзгалар парваришига муҳтоҷ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши  
билин банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида нафақа  
тўлови (парваришлиш нафақаси) жорий этилади.**

**□ Парваришлиш нафақаси Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат  
хизматлари порталига мурожаат асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг  
туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.**

**???? Фармонга кўра, 2022 йил 1 апрелдан ўзгалар парваришига муҳтоҷ болалар  
тўғрисидаги, 2022 йил 1 октябрдан ўзгалар парваришига муҳтоҷ болаларнинг қонуний  
вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига  
электрон тақдим этиб борилади.**

**???? 2022 йил октябрдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет  
танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга  
тўланадиган нафақалар ҳамда парваришлиш нафақаси фуқаролардан қўшимча  
хужжатларни талаб этмаган ҳолда “проактив шакл”да тайинланади.**

**???? Фармон билан шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган 18 ёшгача  
болаларнинг касалликлари рўйхати (34 та) тасдиқланди.**

**М.Нурмаҳмудов,**

**Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси шўъба мудири**

2022-03-27 16:15:28